

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**46-сон**  
**(390)**  
**2009 йил**  
**16 ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

496. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11 ноябрдаги ПҚ–1224-сон қарори

*Учинчи бўлим*

497. «Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини комплекс ўзлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 ноябрдаги 292-сон қарори

498. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғри-

- сида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 октябрдаги ПҚ–1211-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 ноябрдаги 293-сон қарори
499. «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарори
500. «Барит хом ашё базасини кенгайтириш ва барит концентрати ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 ноябрдаги 296-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

501. «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038*)
502. «Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2009 йил 28 сентябрдаги 39, 43, 335, 83, 94, 4-П-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2039*)
503. «Хорижий инвесторларга технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш эвазига хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/22-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 569-1*)

504. «Хорижий инвесторлар харид қиладиган акциялар пакетлари ва объектлар учун ҳақ тўлаш шакллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор ҳамда унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/21-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1030-2*)

505. «Давлат активларини номинал баҳосидан паст нархда сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/23, 101, 86-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1255-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 7 ноябрдан 13 ноябргача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****496 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида**

1. 2009 йил 25 февраль куни Тошкент шаҳрида имзоланган:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида давлатлар ҳудудига нолегал келиб турган шахсларни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон — Туркменистон Давлат чегарасидаги чегарачи комиссарлар фаолияти тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида туркман томонига тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.И. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 ноябрь,  
ПҚ-1224-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **497** Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Гарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини комплекс ўзлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Гарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси худудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ-567-сон, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд» компанияси билан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларни амалга ошириб боришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 23 мартдаги ПҚ-1078-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Гарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилишини ва уларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Истисно тариқасида, «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани» масъулияти чекланган жамиятга:

Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилиши учун иш лойиҳаси асосида бир босқичли тартибда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектларини бир вақтда қурган ҳолда норматив муддат доирасида шундай объектларни лойиҳалаштиришга рухсат берилсин.

Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Гарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ва

қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя қилиниши устидан архитектура-қурилиш назорати олиб борилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 6 ноябрь,  
292-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 6 ноябрдаги 292-сон қарорига  
ИЛОВА

**Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга  
ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-  
Фарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва  
Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини  
ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа  
хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва  
тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси билан «Союзнефтгаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда Битим деб юритилади) амалга ошириш доирасида амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Фарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча конларини ўзлаштириш объектлари қурилишининг лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Битимни амалга ошириш доирасида ўзлаштириладиган бошқа конларга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи** — «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани» масъулияти чекланган жамият;

**объектни лойиҳалаштириш топшириғи** — Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объект-

лари курилишининг иш лойиҳасини ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий бирламчи талабларни ўз ичига олган ҳужжат;

**маҳаллий лойиҳалар** — ташқи инфратузилма объектлари курилиши учун бажариладиган тўлиқ ҳажмдаги иш лойиҳалари;

**иш лойиҳаси** — чекланган қийматли ва иш ҳужжатлари билан бирга асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат бўлган лойиҳа ҳужжатлари;

**иш ҳужжатлари** — айрим бинолар ва иншоотларга иш чизмалари туркуми, курилишни амалга ошириш учун етарли ҳажмдаги иш турлари;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги;

**бошқарувчи қўмита** — Битимга мувофиқ юқори бошқарув органи;

**иш лойиҳасининг тасдиқланадиган қисми** — принципиал ечимларни таъминлаш, курилишнинг дастлабки (бошланғич) қийматини аниқлаш ва қарорнинг тасдиқланадиган қисми қабул қилиниши асосида иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун етарли ҳажмдаги лойиҳа ҳужжатлари тўплами.

3. Буюртмачи лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга ва асосий технологик асбоб-ускуналарни етказиб беришга танлов доирасида лойиҳаловчи ташкилотга курилиш пудратчисини танлаш бўйича танлов савдолари ўтказиш учун зарур бўлган танлов ҳужжатларининг техник қисмини ишлаб чиқишни буюртма қилиши мумкин.

4. Иш лойиҳаси буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган, ушбу Низомнинг II бўлимига мувофиқ келишилган ва тасдиқланган объектни лойиҳалаштиришга топшириқ асосида ишлаб чиқилади.

## **II. Лойиҳалаштиришга топшириқни келишиш ва тасдиқлаш**

5. Буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган объектни лойиҳалаштириш топшириғи «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитасида келишилиши керак.

Объектни лойиҳалаштиришга топшириқни келишиш бир вақтнинг ўзида ушбу бандда кўрсатилган келишувчи органга тақдим этилган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда амалга оширилади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган келишув мавжуд бўлган тақдирда, объектни лойиҳалаштириш топшириғи Битимда белгиланган тартибда Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланади.

## **III. Иш лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш**

7. Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудук — Янги Қизилча газ конденсати конларини ўзлаштириш объектлари куришга иш лойиҳаси қуйидаги босқичларда ишлаб чиқилади:

иш лойиҳасининг тасдиқланадиган қисми;  
иш ҳужжатлари.

8. Маҳаллий лойиҳаларни ҳам ўз ичига оладиган иш лойиҳасининг тасдиқланадиган қисми ишлаб чиқилиши тугаллангандан кейин буюртмачи давлат экспертизаси органларига тасдиқланадиган қисми белгиланган тартибда тақдим этади. Давлат экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда иш лойиҳасининг тасдиқланадиган қисми Бошқарувчи қўми-та томонидан тасдиқланади.

9. Иш лойиҳасининг тасдиқланган тасдиқланадиган қисми иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш пудратчисини танлаш, шунингдек асосий технологик асбоб-ускуналарга буюртманомаларни жойлаштириш учун асос ҳисобланади.

10. Буюртмачи тугалланган иш ҳужжатлари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида экспертизадан ўтган аниқлаштирилган йиғма смета ҳисоб-китоби), шунингдек қурилиш пудратчисини танлаш бўйича танлов савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилган қурилиш қиймати асосида Бошқарувчи қўмитанинг тасдиқла-ши учун иш лойиҳасини тақдим этади.

11. Иш лойиҳаси Битимда белгиланган тартибда Бошқарувчи қўми-та томонидан тасдиқланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**498** **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 октябрдаги ПҚ–1211-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 октябрдаги ПҚ–1211-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.



2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 ноябрь,  
293-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 10 ноябрдаги 293-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва бегараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошидаги «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 апрелдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Республика байналмилал маданият маркази тўғрисидаги низомнинг 10-бандидаги «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда) «Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 16-банди учинчи хатбошидаги «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

1-иловада «Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири» сўзлари «Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-иловада «Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори» сўзлари «Мухитдинов Х.А. — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

23 ва 44-иловалардан «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Уставининг 10-банди тўққизинчи хатбошидаги, 14-банди иккинчи хатбошидаги ва 16-банди олтинчи хатбошидаги «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Бош вазирнинг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири бошчилик қиладиган республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорида:

қарорнинг номида ва 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 2, 5, 6, 10 ва 11-иловалардаги «Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири» сўзлари «Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловада:

«Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири» сўзлари «Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари «Мухитдинов Х.А.» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорида:

1, 3, 4 ва 5-иловаларда Аппарат Раҳбарига кўрсатмалар Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

4-илованинг 6-банди олтинчи хатбошидаги «Юридик бўлим» сўзлари «Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомнинг 2-банди олтинчи хатбошидаги «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда) 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси (Р.С. Қосимов)» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси (А.Н. Арипов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш йўғма параметрларининг 5 ва 6-бандлари қуйидаги мазмундаги 5-банд билан алмаштирилсин.

5.	<b>Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси</b>	20,2
5.1.	«Ўзфармсаноат» давлат концерни	20,4
5.2.	Матбуот ва ахборот агентлиги	20,0

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган 2011 йил 1 январгача халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари жорий этиладиган корхоналар рўйхатининг VI, VII, VIII бўлимлари қуйидаги мазмундаги VI ва VII бўлимлар билан алмаштирилсин:

<b>VI. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси</b>	
<b>«Ўзфармсаноат» ДК</b>	
256.	«NOBEL-PHARMSANOAT» МЧЖ ХК
257.	«S.K. ISLOMBEKOV NOMLI O'ZKIMYOOFARM» ОАЖ
258.	«UZBIOPHARM» ОАЖ
259.	«NOVOPHARMA PLUS» МЧЖ ҚК
260.	«IMMUNOMED» ХК
261.	«NASA» ХК
262.	«NIKA PHARM» ШК

<b>«Дори-Дармон» АК</b>	
263.	«DORI-DARMON» АК
264.	«DORI-DARMON GARANT» ШК
265.	«DORI-DARMON INVEST» МЧЖ
<b>«Ўзбеккино» миллий агентлиги</b>	
266.	«O'ZBEKKINO» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
267.	«O'ZBEKFILM» ОАЖ
<b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси</b>	
268.	«TEZLATGICH» МЧЖ
269.	«RADIOPREPARAT» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
<b>Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</b>	
270.	«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ»нинг «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ФИЛИАЛИ
271.	«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКнинг «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ
272.	«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКнинг «ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ» ФИЛИАЛИ
273.	«O'ZBEKTELEKOM» ОАЖ
<b>Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги</b>	
274.	«O'ZBEKISTON» ДУК
<b>VII. Бошқалар</b>	
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</b>	
275.	«SIFAT O'ZBEKISTON PAHTA TOLASINI SERTIFIKATLASH MARKAZI» ДУК
276.	«PATENT-PRESS» ШК
<b>Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги</b>	
277.	«AMBASSADOR» ДУК

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 10 ноябрдаги 293-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бош вазирнинг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири бошчилик қиладиган республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 7-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

маси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарори 3-банди иккинчи хатбоши, шунингдек қарорга 1-илова.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **499** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизими ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини тайинлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 15 сентябрдаги ПҚ–1190-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 12-сон, 128-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомни ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармалари, шаҳар (туман)

архитектура ва шаҳарсозлик бўлимларининг намунавий низомларини тасдиқлаш тўғрисида» 1993 йил 1 декабрдаги 580-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш («Давархитектқурилиш») қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1993 йил 30 августдаги 441-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 ноябрь,  
294-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси тизимидаги Бош бошқарма республикада архитектура ва шаҳарсозликни бошқариш органларининг ягона тизимидаги ҳудудий бўғин (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ҳисобланади, ўз фаолиятида «Давархитектқурилиш» қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсунди.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек «Давархитектқурилиш» кўмитасининг буйруқлари, қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

3. Бош бошқарма «Давархитектқурилиш» кўмитасининг ваколати доирасига кирувчи вазифаларни ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудудда амалга оширувчи давлат органи — юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қўйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларнинг анъанавийлигига эътибор бериб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш, ҳудудни режалаштириш тарҳлари ҳамда туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, уларнинг маъқулланишини ва экспертизадан ўтказилишини ҳамда тасдиқланишини ташкил этиш;

шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳаларида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини амалга ошириш, тегишли ахборот базасини яратиш;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик бериш;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб бориш;

«Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда қурилиш қоидаларини ишлаб чиқиш;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда вилоят ҳокимлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини янада шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши, архитектура ёдгорликлари ва маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатлари бўйича назорат ишларини олиб бориш ва архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириб бориш.

5. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, ҳудудларнинг анъанавийлигига эътибор бериб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантириш, ҳудудни режалаштириш тарҳлари ҳамда туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини, уларнинг маъқулланишини ва экспертизадан ўтказилишини ҳамда тасдиқланишини ташкил этади;

шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳаларида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш ишларини мувофиқлаштириб боради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини амалга оширади, тегишли ахборот базасини яратади;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда ша-



ҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини мувофиқлаштиради ва унинг мониторингини олиб боради;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этади;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини янада ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши, архитектура ёдгорликлари ва маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатлари бўйича назорат ишларини олиб боради ҳамда архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириб боради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда қатнашади, таклиф киритади, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб боради;

ҳудудларни режалаштириш тархлари ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишида, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларида қатнашади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органига шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва унинг аҳволи, лойиҳа ва қурилиш ташкилотларида, қурилиш саноати корхоналарида рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими бўйича таҳлилларни олиб боради;

лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари, қурилиш саноати корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг нархлари, қурилиш машиналари ва механизмлари қиймати, транспорт харажатлари, ҳудудлардаги ташкилотлар, корхоналар бўйича қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тўпламини шакллантиради;

муҳандислик изланишлари соҳасида ягона техникавий сиёсатни амалга оширади, капитал қурилиш учун комплекс муҳандислик изланишларининг давлат фондини яратади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қоида бузилишлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий ва бошқа жазоларни белгиланган тартибда қўллайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда йўл

қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган юридик ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради;

манфаатдор ташкилотлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда шаҳарсозлик фаолиятида таркибий, илмий-техник ва иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилашда иштирок этади;

шаҳарсозлик фаолияти, инвестиция жараёнини бошқариш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини такомиллаштириш, янги техника ва қурилиш-монтаж ишларига замонавий технологияларни қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда вилоятдаги корхона ва ташкилотларга яқиндан ёрдам беради, хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришни ташкил этади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

маҳаллий давлат органларига ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа турдаги объектлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва тасдиқлаш учун розилик беради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолиятига доир лойиҳалаштириш, комплекс муҳандислик-қидирув ишлари, муаллифлик назорати ташкил этилиши, шунингдек, қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари архитектура-шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини мувофиқлаштиради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси, давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг ва қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг архитектура-шаҳарсозликка доир фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

қурилиш қоидалари ва бошқа ҳужжатларни, капитал таъмирлаш, реставрация, ободонлаштириш, ландшафт ва шаҳарсозлик дизайнига оид ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида ҳудудлардаги ерлардан унумли фойдаланиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органига таклифлар киритади;

ҳудудни ривожлантириш борасидаги шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида барча турдаги қурилиш объектлари учун ер участкаларини белгилайди ҳамда бу тўғрида ҳокимнинг қарори лойиҳасини тайёрлайди;

маданий мерос объектларини сақлаш, реставрация қилиш ва фойдала-

ниш ва уларнинг муҳофаза ҳудудларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

қурилиши тугалланган фуқаролик, ижтимоий, коммунал ҳамда ишлаб чиқариш объектларини қабул қилишда қонунларда белгиланган тартибда қатнашади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қурилиш объектларини жойлаштириш, барча турдаги қурилиш объектлари учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида маҳаллий давлат органларининг қарорлари асосида ажратилган ер майдонларини натурада белгилаш ва чегаралаш ишларини амалга оширади;

аҳоли пунктларининг бош режаларида ва муфассал режалаштириш лойиҳаларида кўзда тутилмаган объектларни майдонларда жойлаштиришда лойиҳа ташкилоти (муаллиф) билан келишиш ишларини олиб боради;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолияти объектларини лойиҳалаштириш учун, яъни қурилиш, капитал реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда бино ва иншоотлар реставрацияси, шу билан бирга муҳандислик, транспорт инфратузилмаси учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1 ва АРТ-2) ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва қурувчи — буюртмачиларга тақдим этади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун қурилиш паспортини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва қурувчи-буюртмачиларга тақдим этади;

шаҳар, туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари, улар ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бўлимларига ва якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторинг ўтказиш бўйича секторларга раҳбарлик қилади, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар, тегишли ҳудуддаги лойиҳалаш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини олиб боради;

шаҳарсозлик кадастрини, ер ажратиш ва иморат қуришга оид жорий тезкор режалар тузиш, ер ости муҳандислик коммуникациялари жойлашини рўйхатга олиш, навбатчи режаларни ва муҳандислик-геология ишланмалари атласларини юритиш бўйича ишларини ташкил этади;

ер участкаларини ажратиш, лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини сақлашга доир ягона техник архивни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

### **III. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

6. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

архитектура ва қурилиш соҳасидаги муҳим масалаларни кўриб чиқиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этиш;

шаҳарсозлик, экологик талабларга ва архитектура органлари томонидан

берилган архитектура-режалаштириш топшириқларига (АРТ-1 ва АРТ-II) жавоб бермайдиган лойиҳаларга розилик беришни рад этиш;

амалдаги йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган ҳолда ёки белгиланган тартибда берилган рухсатномасиз олиб борилаётган топогеодезия ва муҳандислик-геология қидирув-режалаштириш ва қазииш ишларини амалга оширишни тўхтатиш;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ҳудуддаги ташкилотлар, корхоналар, муассасалардан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларидан сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

илмий-тадқиқот, технология, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, таълим муассасаларини ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек олимларни шаҳарсозликка, архитектура ва қурилишга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишга белгиланган тартибда жалб этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг яхши лойиҳанинг илмий-техник ишланмаларини ҳамда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш мақсадида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, йирик ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси архитекторлар уюммаси билан биргаликда белгиланган тартибда лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танловлар ўтказиш ва танлов комиссияларини ташкил этиш;

«Давархитектқурилиш» қўмитасига амалдаги қонунларни, шаҳарсозлик, экологик ва бошқа меъёрий талабларни бузган ҳолда ишлаётган лойиҳа, қурилиш ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг лойиҳалаш, қурилиш ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияларини олиб қўйиш тўғрисида таклифлар киритиш;

тегишли архитектура-шаҳарсозлик фаолияти билан шуғулланиш учун лойиҳаларни ишлаб чиқишга, мулкчилик шакларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга лицензиялар бериш учун белгиланган тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитасига таклифлар киритиш;

амалдаги йўриқнома ва қоидаларга зид ҳолда ёки белгиланган тартибда бериладиган рухсатномасиз бажарилаётган топогеодезия ва муҳандислик-геология қидирув ҳамда унга боғлиқ ишлар ва кавлаш ишлари олиб борилишини тўхтатиш;

ўз фаолиятида қўйи ва бошқа етакчи лойиҳа, қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7. Бош бошқарма қўйидагилар учун жавоб беради:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари, технологияларини ҳисобга

олган ҳолда ҳудудларни режалаштириш ва қуришнинг илмий асосланган тарҳлари тайёрланишини таъминлаш;

капитал қурилишни янада иқтисодий ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш ва улар мониторингини олиб бориш, нархларни шакллантириш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш усулларини такомиллаштириш;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши, архитектура ёдгорликлари ва маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиш ва архитектура-бадий сифатлари бўйича назорат ишларини олиб бориш ва архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириб бориш.

#### **IV. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

8. Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ташкилий-назорат хизмати билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган бошлиқ — бош архитектор раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғи лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик Кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Бош бошқарма таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Бош бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бош бошқарманиннг ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилган қарорларининг бажарилиши юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Бош бошқарманиннг штат жадвали молия органларида рўйхатдан ўтгандан кейин «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Шаҳарсозлик ва архитектура ечимлари, архитектура билан уйғунлашган монументал-декоратив санъат асарлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари, бино, иншоот, мажмуа лойиҳаларини қуриш, экспертиза қилиш ва сифатини баҳолаш мақсадида Бош бошқарма ҳузурида доимий идоралараро орган — архитектура-шаҳарсозлик Кенгаши тузилади. У ўз ишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган Низом асосида ташкил қилади ва маслаҳат берувчи орган ҳисобланади.

Архитектура-шаҳарсозлик Кенгашининг шахсий таркиби «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланади.

9. Бош бошқарма таркибига қўйидагилар киради:  
шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари;  
туманлар архитектура ва қурилиш бўлимлари;

Бош бошқарма ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бошқармаси;

шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бўлимлари.

10. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ва Бош бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

тегишли органларда Бош бошқарма номидан вакиллик қилади;

шаҳарсозлик ва архитектура фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қилади;

Бош бошқарманинг мулкани бошқаради;

Давлат ҳокимияти органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ва судда, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарда Бош бошқарма манфаатини ҳимоя қилади;

Бош бошқарма таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Бош бошқарма таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

Бош бошқарма ходимларини лавозимларга тайинлайди ва лавозимлардан озод қилади;

кадрлар захирасини тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш масалаларини ҳал қилади, ходимларнинг ойлик маошларига устамалар тайинлайди;

Бош бошқарма ходимлари ички меҳнат тартиби қоидаларига, лавозимлар йўриқномаси талабларига ҳамда хизматга оид ҳужжатлар билан ишлаш тартибига риоя қилишини таъминлайди;

юксак меҳнат натижаларига эришган Бош бошқарма ва унга тегишли ташкилотлар ходимларини белгиланган тартибда давлат мукофотлари ва бошқа унвонларга тақдим этади ҳамда бошқа рағбатлантириш чораларини қўллайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бухгалтерия ҳисобкитоби ва статистика ҳисоботи ташкил қилинишига жавобгар бўлади.

11. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш  
бошқармаси (бўлими) тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) тизимидаги шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари ўз фаолиятида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) бўйсунади.

2. Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек «Давархитектқурилиш» қўмитасининг буйруқлари, қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг буйруқлари, қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

**II. Шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқарма  
(бўлими)ларининг асосий вазифалари ва  
функциялари**

3. Қуйидагилар шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларни анъанавийлигига эътибор бериб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш,

аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, уларнинг маъқулланишини ва экспертизадан ўтказилишини ҳамда тасдиқланишини ташкил этиш;

шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳаларида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини амалга ошириш, тегишли ахборот базасини яратиш;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик бериш;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб бориш;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва шаҳар (туман) ҳокимлиги ҳамда Бош бошқармага тақдим этиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши, архитектура ёдгорликлари ва маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатлари бўйича назорат ишларини олиб бориш ва архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириб бориш.

4. Шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

фаолият кўрсатаётган ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан Бош бошқармаларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

эҳтиёж ва таклифларни, конъюнктура ҳолатини, лойиҳалаштириш ишлари ва хизматлари бозорининг ривожланиш тамойиллари ва истикболини



ўрганиш, архитектура ечимлари ҳамда шаҳарсозлик тадбирларининг самардорлиги даражасини ошириш мақсадида лойиҳачилар, инвесторлар ва пудратчилар ишларини ташкил этади;

шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

бююртмачилар — иморат курувчиларга лойиҳалаштириш ҳамда инвестиция ишларини амалга ошириш учун курилиш паспортлари, барча турдаги курилишлар бўйича лойиҳа-қидирув, комплекс қайта куриш, кенгайтириш, биноларни асосли тузатиш, таъмирлаш ва ҳудудларни ободонлаштириш бўйича архитектура-режалаштириш ва муҳандислик-жойлаштириш топшириқларини ишлаб чиқади ва тақдим этади;

ажратилган ер участкаларининг чегарасини, курилиш объектлари жойлашувини қизил чизиқлар асосида харитага тушириш билан боғлиқ топография-геодезия ишларини, қидирув-режалаштириш ишларини ҳамда бажарилган ишларни техник назорат қилади ва уларни қабул қилади, иморатлар курилишининг жорий режаларини, ер ости коммуникацияларининг жойлашини ҳамда муҳандислик-геологик ишлар атласларини рўйхатдан ўтказиши;

тегишли равишда туманга бўйсунувчи шаҳарлар маъмурий марказлари, қишлоқ аҳоли пунктлари, шаҳар атрофи зонаси ва тумандаги аҳоли яшайдиган бошқа ерларда курилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этишга доир ишларга раҳбарликни амалга оширади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолияти объектларини лойиҳалаштириш учун, яъни курилиш, капитал реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва бино ва иншоотлар реставрацияси, шу билан бирга муҳандислик, транспорт инфратузилмаси учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1 ва АРТ-2) ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг курувчи-бююртмачиларга тақдим этади;

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, саноат узеллари схемаларини, биринчи навбатдаги курилишларни жойлаштириш лойиҳаларини, шаҳар атрофи ва рекреацион зоналар лойиҳаларини кўриб чиқади ҳамда розилик бериш ёки тасдиқлаш учун тегишли давлат ҳокимияти органларига тақдим этади;

шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чораларини кўради.

### **III. Шаҳар (туман) архитектура ва курилиш бошқарма (бўлими)ларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

5. Шаҳар (туман) архитектура ва курилиш бошқармаси (бўлими) юкланган вазибалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

архитектура ва шаҳарсозлик, экология, архитектура ва қурилиш органлари томонидан берилган архитектура-режалаштириш топшириқлари (АРТ-1 ва АРТ-II) талабларига жавоб бермайдиган объект лойиҳаларни рад этиш;

амалдаги йўриқномалар ва қоидаларни бузган ҳолда ёки белгиланган тартибда бериладиган рухсатномасиз олиб борилаётган топографик ва муҳандислик-геологик қидирув, режалаштириш ва қозиш ишларини амалга оширишни тўхтатиб туриш;

ўзбошимчалик билан иморат қуришда, шаҳарсозлик интизомини, қурилиш ва архитектура соҳасидаги амалда бўлган қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахсларни ҳамда ҳудудларида мазкур ҳуқуқ бузилишларини содир этган ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларини белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмаси ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танловлар ўтказиш.

#### **IV. Шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлими)ларининг фаолиятини ташкил этиш**

6. Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ — шаҳар ва туман бош архитектори бошчилик қилади.

7. Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) бошлиғи:

мазкур Низомга мувофиқ бошқарма (бўлим)га юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, фаолият ва алоҳида йўналишлар учун ходимларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

қурилиши (қайта қурилиши) тугалланган шаҳарсозлик объектларини фойдаланишга қабул қилишда белгиланган тартибда қатнашади;

ўз ваколати доирасида шаҳар (туман) ҳокимининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари далолатномалари асосида буйруқлар чиқаради, бошқарма (бўлим) ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

шаҳар (туман) ҳокимининг шаҳарсозлик масалалари бўйича қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди;

барча давлат ва жамоат корхоналарида, муассасалар, ташкилотларда бошқарма (бўлим) фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича бошқарма (бўлим) номидан вакиллик қилади;

белгиланган смета ва ажратилган маблағлар доирасида бошқарма (бўлим)-нинг маблағларини бошқаради;

зарур бўлган ҳолларда лойиҳачиларнинг доимий ёки вақтинчалик ижодий жамоаларини ва эксперт гуруҳларини ҳамда идоралараро комиссияларни ташкил этади ва уларга бошчилик қилади, бу ишга шартнома асосида архитекторларни ва бошқа мутахассисларни жалб этади;

лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини ва алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда муаллиф сифатида иштирок этади;

ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари ҳузурида буюртмачиларга шартнома асосида маблағ ўтказиш йўли билан шаҳарсозлик ҳужжатлари, архитектура-режалаштириш топшириғи ва лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш марказларини тузади ва уларнинг фаолиятини, мавзу йўналишини белгилайди;

архитектура-шаҳарсозлик масалаларини ҳал этиш учун буюртмачиларга шартнома асосида маблағ ўтказиш йўли билан шаҳарсозлик ҳужжатлари, архитектура-режалаштириш топшириғи ва лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш марказларининг вазифаларини белгилайди, тузилмаси ва ходимлари сонини тасдиқлайди.

8. Бош архитектор ўз ишини тегишли туман (шаҳар)нинг давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, илмий-техника жамиятлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда олиб боради.

9. Шаҳарсозлик ва архитектура ечимларининг, архитектура-монументал ва декоратив санъат асарларининг сифатини аниқлаш, шаҳарсозлик ҳужжатларини, бинолар, иншоотлар ва комплекслар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва экспертиза қилиш учун бош архитектор ҳузурида доимий ишловчи идоралараро коллегиял орган — маслаҳат берувчи орган ҳисобланадиган архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тузилади.

Архитектура-шаҳарсозлик кенгашига бош архитектор бошчилик қилади. Кенгаш таркибига тажрибали архитекторлар, олимлар, шаҳарсоз — мутахассислар, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг депутатлари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, фан, маданият ва санъат арбоблари, инвестиция жараёнининг иштирокчилари, ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари кириши мумкин.

Архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг шахсий таркиби туман (шаҳар) бош архитектори томонидан тасдиқланади.

10. Шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) тўғрисидаги низом, ташкилий тузилма ҳамда штат жадвали молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

11. Шаҳар (туман) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси  
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил  
2 декабрдаги 538-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмасида (3-илова):

а) «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қурилиш бўлими 2 киши» ва «Қурилишни муҳандислик таъминлаш бўлими 2 киши» устунларидаги «2» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин;

б) «Ходимларнинг чекланган умумий сони 12 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 11 киши» сўзлари «Ходимларнинг чекланган умумий сони 10 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 9 киши» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомда (4-илова):

а) 17-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ташкилий-назорат хизмати билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади».

Қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 18 ва 19-бандларга «бошқармалари» деган сўздан кейин «шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари» деган сўзлар қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**500 Барит хом ашё базасини кенгайтириш ва барит концентрати ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида**

Баритнинг мавжуд конларини фойдаланишга жалб этиш ва унинг янги конларини саноат асосида ўзлаштиришга тайёрлаш ҳисобига барит хом ашё базасини янада кенгайтириш ҳамда шу асосда барит концентрати ишлаб чиқаришни кўпайтириш, республика нефть-газ тармоғи учун унинг импорт ўрнини босишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2010 — 2014 йилларда Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олган ва 2014 йилдан бошлаб Ангрен шаҳрида ҳар йили 15,0 минг тоннагача барит концентрати ишлаб чиқаришни ташкил этган ҳолда геология-қидирув ишларини амалга ошириш тўғрисидаги;

Олмалиқ шаҳрида 2010 йилдан бошлаб Сарибулоқ ва Қўшработ конларида қазиб олинаётган барит рудалари негизда ҳар йили 15,0 минг тоннагача барит концентрати ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларидаги геология-қидирув ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш ва Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида тажриба-саноат асосида қазиб олиш ҳамда барит концентрати ишлаб чиқариш «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2010 — 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг геология-қидирув ишлари ҳар йиллик дастурларини шакллантиришда, ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, барит рудалари захираларини белгиланган тартибда тасдиқлаган ҳолда, истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини амалга оширишга маблағларни назарда тутсинлар.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли корхоналарига Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия,

Гулдурамнинг истиқболли майдонларида геология-қидирув ишларини амалга оширишга, аниқланган барит конларини қазиб олиш учун ер участкалари ажратиш кафолати билан рухсатномалар берсин;

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг илтимосномасига биноан, Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш ва Орайлик, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олиш, шунингдек Олмалик ва Ангрен шаҳарларида барит концентрати ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун жалб этилган юридик шахсларга ер участкалари ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тақдимномасига биноан Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш, шунингдек Орайлик, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия ва Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олиш учун жалб этилган юридик шахсларга ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига белгиланган тартибда лицензиялар берсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 12 ноябрь,  
296-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ  
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА  
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**501** Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038*

*(2009 йил 16 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 171-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкани бошқариш  
давлат қўмитасининг раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 октябрь,  
01/19-18/24-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги  
Солиқ, валютага оид жиноятларга  
ва жиноий даромадларни  
легаллаштиришга қарши курашиш  
департаменти бошлиғи**

**З. ДЎСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 октябрь,  
43-сон

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани  
бошқариш давлат қўмитаси ва Бош  
прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага  
оид жиноятларга ва жиноий даромадларни  
легаллаштиришга қарши курашиш департа-  
ментининг 2009 йил 13 октябрдаги  
01/19-18/24, 43-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган  
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2001 й., 9-10-сон, 171-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ биржа аъзолари (фонд биржаларининг ва бошқа бир-



жаларнинг фонд бўлимлари аъзолари бундан мустасно) томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиланди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

**бенефициар мулкдор** — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириладиган юридик шахс;

**биржа** — олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратадиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан берилган (бундан кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади) биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, юридик шахсларга биржа битимларида иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган ва биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиш, тугатиш тартибини, биржа аъзоларининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва мулкий жавобгарлигини белгилайдиган юридик шахс;

**ички назорат** — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича биржа аъзоларининг фаолияти;

**мижозни идентификациялаш** — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, у топширган ҳужжатлар асосида биржа аъзолари томонидан мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

**бенефициар мулкдорни идентификациялаш** — биржа аъзолари томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

**мижоз** — биржа аъзоси хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**мижозни лозим даражада текшириш** — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, шунингдек, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш;

**хабар қилиниши лозим бўлган операциялар** — ички назоратни ўтказиш давомида биржа аъзолари томонидан шубҳали деб топилган пул

маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ содир этилаётган ва тайёрланаётган операциялар;

**шубҳали операция** — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга оширишда биржа аъзосида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади);

**биржа аъзоси** — биржа томонидан белгиланган тартибда ушбу биржадан брокерлик жойини харид қилган ёки олган юридик шахс.

2. Қуйидагиларда ички назорат амалга оширилади:

ушбу Қоидаларнинг 32-бандида санаб ўтилган шахслар тарафлардан бири бўлган биржа операциялари;

муддатли биржа инструментлари билан боғлиқ биржа операциялари («фьючерс», «опцион» ва бошқа деривативлар);

кўчмас мулкни олди-сотдиси бўйича биржа операциялари.

3. Ички назоратнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

биржа аъзоларининг қасддан ёки қасддан бўлмаган жинойий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

биржа аъзолари томонидан жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

4. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, операцияларни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 30-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни бу опе-

рация бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

биржа аъзолари раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўрономалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

## II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

5. Ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва тегишли биржалар томонидан белгиланадиган биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида биржалар томонидан тасдиқланадиган биржа қоидалари қўйидагиларни назарда тутиши керак:

биржа аъзолари томонидан ички назорат тизимининг жорий этилиши ва амалга оширилишини;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларини бажаришни;

мижозлар ва операциянинг бошқа иштирокчиларини текшириш ва идентификациялаш бўйича чораларни;

Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар мезонлари ва аломатларини;

биржа аъзоси мижози томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, ёки терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар содир этилишининг таваккалчилик хавфларини баҳолашни;

шубҳали операцияларни ҳужжатли акс эттириш ва улар тўғрисида Департаментга хабар қилишни;

биржа аъзоси ходимларига ички назорат жараёнлари ва мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чораларини ўргатишни;

ички назоратни амалга оширишда олинган ахборот ва ҳужжатларни сақлаш бўйича талабларни;

биржа аъзоси фаолиятининг хусусиятларини инобатга олувчи бошқа жараёнларни.

7. Ички назорат тизими биржа аъзолари фаолиятининг хусусиятлари, асосий йўналиши, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик хавфлари даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

8. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадларида биржа аъзолари томонидан мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) тайинланади. Масъул шахслар ишини мувофиқлаштириш учун биржада биржанинг ваколатли ходими тайинланади.

9. Масъул шахс биржа аъзоси ижро этувчи органи раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Тайинланган масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар биржанинг ваколатли ходимига тақдим этилади.

10. Биржалар ҳар йили 15 январгача Департаментга ва Давлат мулки қўмитасига масъул шахслар рўйхатларини тақдим этадилар ва ушбу рўйхатларга киритилган ўзгаришлар ҳақида бу ҳақда маълум бўлган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида хабар беришни таъминлайдилар.

11. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қўйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштиради;

биржа аъзоси фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади;

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

12. Масъул шахс қўйидагиларга ҳақли:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нус-

ха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланаётган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

Масъул шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Масъул шахс қуйидагиларга мажбурдир:

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга ахборот бериш учун биржа аъзоси раҳбариятини хабардор қилиш;

олинган ахборотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш.

Масъул шахс зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

14. Масъул шахсларнинг ўқиши ва малака ошириши биржалар томонидан олиб борилади.

15. Масъул шахс биржанинг ваколатли ходимига камида бир йилда бир марта ўз фаолияти натижалари ҳақида ҳисоботлар тайёрлайди ва тақдим этади.

Биржалар масъул шахснинг фаолиятлари ҳақидаги ҳисоботларни камида бир йилда бир марта Департаментга ва Давлат мулки қўмитасига юборадилар.

### III. Мижозларни лозим даражада текшириш

16. Биржа аъзолари:

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар.

17. Мижозларни лозим даражада текшириш биржа бозорида кўрсатиладиган хизматларнинг барча йўналишлари ва босқичларида олиб борилиши лозим.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

18. Мижоз биржа бозорида операцияларни амалга ошириш тўғрисида

топшириқ билан бир ёки бир неча марта муружаат қилганда, биржа аъзолари қуйидагиларга мажбурдирлар:

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ операция ўтказишда мижоз ёки манфаатдор шахсларни идентификациялаш;

ушбу мижознинг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операция турини ҳамда унинг мижоз — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсад ва фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган мижоз — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш.

19. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

20. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда биржа аъзолари давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари лозим.

21. Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш мақсадида: мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига алоҳида эътибор берилиши лозим.

22. Биржа аъзоси мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни: давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг биржанинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш орқали текширишга ҳақлидир.

23. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкнинг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва зарур чоратадбирларни қўлланиши лозим.

24. Биржа аъзоси мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур

бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад этади.

#### **IV. Таваккалчилик хавфи даражасини аниқлаш**

25. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, биржа аъзоси мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишини баҳолаши ва тегишли (юқори ёки паст) таваккалчилик хавфи даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда — таваккалчилик хавфи даражаси).

26. Таваккалчилик хавфининг юқори даражаси тоифасига биржа аъзоси юқори эътибор қаратиши лозим бўлган аввалдан қуйидаги мезонларга эга бўлган мижозларни келтириш мумкин:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорат остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда (худудда) ёхуд оффшор худудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

оффшор зонада ҳисоб рақамларига эга бўлган резидентлар ва норезидентлар;

ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

ҳақиқий эгаси ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар бўлган ташкилотлар;

мунтазам равишда (кетма-кет уч ой мобайнида икки мартадан ортиқ) шубҳали операцияларни амалга ошираётган мижозлар.

27. Таваккалчилик хавфининг юқори даражасини белгилашда биржа аъзоси мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўриши ва доимий равишда улар томонидан содир этилаётган операцияларнинг мониторингини амалга ошириши шарт.

28. Агар мижозлар билан ҳамкорлик юқори даражадаги таваккалчилик хавфи билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бундай мижозлар паст даражадаги таваккалчилик хавфи тоифасига киритилади.

29. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи

ўзгаришига қараб, биржа аъзоси зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб бориши лозим.

## **V. Шубҳали операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби**

30. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қўйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

биржа операцияси бўйича оддий амалиётдан фарқ қиладиган ушбу мижоз томонидан қўлланадиган ёки оддий биржа амалиётидаги ҳисоб-китобларни олиб бориш тартиби бўйича ностандарт ёки мураккаб коидаларнинг мавжуд бўлиши;

мижознинг бекор қилинган биржа битимлари бўйича ўз маблағларини учинчи шахсларга ёки норезидент-банклардаги ҳисоб рақамларига қайтаришни таклиф қилиши;

мижоз томонидан ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этилишининг узрсиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган ахборотнинг тақдим этилиши, ёхуд ушбу текширув жуда ҳам қиммат бўлса;

мижознинг биржада содир этилаётган битимнинг махфийлиги масалаларига нисбатан ортиқча ташвишланиши;

биржада мижоз талаб қиляётган муайян операцияни ўтказишдаги асоссиз шошма-шошарлик;

агарда мижоз томонидан нақд шаклда қўйилган сумма бир ёки ўттиз кун мобайнида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг миқдоридан ошиб кетса;

мижозлар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдоридан ортиқ бўлган бир марталик олди-сотди бўйича операцияларнинг нақд пул маблағларида тўлаш орқали содир этилиши;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасида биржаларнинг ҳисоб-китоб-клиринг палаталаридаги Фойдаланувчиларнинг шахсий рақамларида (бундан кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) жамланган пул маблағларидан бошқанинг фойдасига воз кечиш бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараварига тенг миқдоридagi суммадан ошган операцияларнинг ўтказилиши, бир марталик ўтказилган операциялар каби уч ой мобайнида ўтказилган бир нечта операциялар ҳам;

оффшор ҳудудларда ва жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳаси-



даги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатларда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар учун ФШР очишга топшириқнома берилиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет эл ташкилотларининг ишончномалари бўйича ФШР очишга топшириқнома берилиши;

энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдоридан юқори бўлган суммада хизматлар кўрсатиш ёки ишлар бажариш бўйича биржа битимларининг тузилиши;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган барча ҳолатларда.

31. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

32. Ҳар қандай биржа операциялари, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, биржа аъзоси томонидан Департаментни хабардор қилиши лозим.

Бундай ҳолларда биржа аъзоси бундай операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдир. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан биржа аъзоси тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

33. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилганда биржа аъзоси мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операциялар тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

34. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар биржа аъзоси томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътибо-

ран бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияга тааллуқли ҳар бир ахборот ҳақида масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналда қайд этилади.

35. Биржа аъзоси, шунингдек, тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки шубҳани олиб ташловчи ҳар қандай маълумот тўғрисида дарҳол Департаментга хабар бериши зарур.

#### **VI. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш**

36. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операциянинг тури ва уни амалга ошириш асоси;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операциянинг топшириғи бўйича ва номидан амалга оширилаётган жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахснинг вакилини (ишончли вакили) идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича олувчини ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

37. Биржа аъзолари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

38. Биржа аъзолари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

39. Биржа аъзолари ходимларининг ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланмаслигини) таъминлайдилар.

**VII. Яқуний қоидалар**

40. Биржаларнинг мазкур Қоидалар талабларига риоя этишлари устидан мониторинг ва назорат Давлат мулки қўмитаси ва Департамент томонидан амалга оширилади.

Биржа аъзоларининг мазкур Қоидалар талабларига риоя этишлари устидан мониторинг ва назорат қилиниши биржалар ва Департамент томонидан амалга оширилади.

41. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

42. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Республика кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази билан келишилган.

*Ўзбекистон Республикаси  
товар-хом ашё  
биржаси раиси*

**Т. ТОХТАБОЕВ**

*2009 йил 10 октябрь*

*Республика универсал агросаноат  
биржаси Бош директори*

**Т. ВАЛИТОВ**

*2009 йил 10 октябрь*

*Республика кўчмас мулк  
биржаси бошқаруви раиси*

**З. ШАМШИЕВ**

*2009 йил 10 октябрь*

*Тошкент шаҳар муниципал  
биржа маркази директори*

**Р. ФАЙЗИЕВ**

*2009 йил 10 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**502** Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2039*

*(2009 йил 21 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ–1042 сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009 йил болалар спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ва мусиқа ва санъат мактаблари қурилиш манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги **қарор қилади:**

1. Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрлари ҳамда спорт анжомлари ва жиҳозларидан фойдаланиш муддатлари 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**Ғ. ШОУМАРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
39-сон

**Маданият ва спорт  
ишлари вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
43-сон

**А. ЖАББОРОВ**

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
335-сон

**А. ПАРПИЕВ**

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
83-сон

**С. БЕКЕНОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
94-сон

**Р. АЗИМОВ**

**«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директори**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 сентябрь,  
4-П-сон

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Иқтисодиёт вазирилик, Молия вазирилик, «Ўзстандарт» агентлигининг 2009 йил 28 сентябрдаги 39, 43, 335, 83, 94, 4-П-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### 1-ТИП Болалар спорт иншоотининг жиҳозлаш МЕЪЁРИ

Ўйинлар тури	Спорт анжомлари номи	Спорт анжом-ларига бўлган эҳтиёж	Фойдаланиш вақти	
<b>Футбол майдони</b>				
<b>Спорт ядроси Футбол майдони билан волейбол, баскетбол ўйинлари учун майдонча, югуриш йўлаклари ва баландликка сакраш, узунликка сакраш, ядро улоқтириш, диск, граната ва найза отиш машқлари учун енгил атлетика секторлари</b>	1.	Футбол тўпи	25 дона	6 ой
	2.	Футбол тўри	2 жуфт	1 йил
	3.	Футбол дарвозаси	2 дона	5 йил
	4.	Ҳисоб ва вақт таблоси (футбол)	1 дона	5 йил
	5.	Бурчак байроқлари	8 дона	2 йил
	6.	Айланиб ўтиш устунлари (фишка)	20 дона	5 йил
	<b>Енгил атлетика сектори</b>			
	7.	Енгил атлетика найзаси	10 дона	2 йил
	8.	Енгил атлетика ядроси	25 дона	4 йил
	9.	Енгил атлетика гранатаси	25 дона	2 йил
	10.	Енгил атлетика дискаси	25 дона	2 йил
	11.	Енгил атлетика баръери	25 дона	3 йил
	12.	Енгил атлетика старт колодкаси	10 комплект	4 йил
	13.	Секундомер	3 дона	5 йил
	14.	Медицинбол (1, 2, 3 кг)	45 дона	1 йил
	15.	Узунликка сакраш маркери	1 комплект	5 йил
	16.	Баландликка сакраш «ямаси»	1 комплект	5 йил
	17.	Баландликка сакраш устуни ва планкаси	1 комплект	4 йил
18.	Рулетка	3 дона	5 йил	
<b>Ўйинлар майдончаси</b>				
	19.	Баскетбол устуни	2 жуфт	5 йил
	20.	Баскетбол шити	2 жуфт	5 йил
	21.	Баскетбол таблоси 24 сек.	1 дона	5 йил
	22.	Ҳалқа учун тўр	12 жуфт	6 ой
	23.	Айланиб ўтиш устунлари (фишка)	10 дона	5 йил
